МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИДА «КУТИЛМАГАНЛИК ЭФФЕКТИ»

З.МАМАЖОНОВ

Мақолада шоир Муҳаммад Юсуф шеърияти мисолида «кутилмаганлик эффекти»нинг шеър композициясидаги аҳамияти ёритилган. Кутилмаган бурилишлар, фавқулодда ўхшатиш ва хулосаларнинг лирик кечинма ифодасидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *шеър композицияси, «кутилмаганлик эффекти», кутилмаган ташбеҳ, кутилмаган ифода, метафориклик, ассоциатив образ.*

В статье на примере поэзии Мухаммада Юсуфа показана роль «эффекта неожиданности» в композиции стихотворения. Проанализировано значение неожиданных поворотов сюжета, неординарных сравнений в выражении лирического переживания.

Ключевые слова: *композиция стихотворения, «эффект неожиданности», алогичные сравнения, неординарное выражение, метафоричность, ассоциативный образ.*

Based on the example of Muhammad Yusoof's poetry this article describes unexpected changes, unexpected comparisons, and unexpected conclusions in the expression of course of events of poem composition. Furthermore, it depicts the importance of such unexpected issues in increasing aesthetic joy and spiritual benefit in poems.

Key words: *poem composition, the effect of unexpectedness,_unexpected comparison, unexpected expression, unexpected conclusion, metaphorism.*

Муҳаммад Юсуф шеърлари замонавий ўзбек шеъриятининг бетакрор намуналари сифатида адабиёт ихлосмандларининг, мутахассисларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Унинг шеърияти, кўплаб адабиётшунослар эътироф этганларидек, ўзига хос соддалиги, халқона ташбеҳларга, самимий ифодаларга бойлиги билан ажралиб туради. Мана шу соддалик, ҳамманинг кундалик нутқида ишлатиб келинадиган оддий сўзларни бошқаларнинг қўлидан келмайдиган кўринишда бир ипга тиза олиш, содда ва самимий ифодалар, ташбеҳларни юзага келтиришнинг ўзи ўқувчи руҳиятида кутилмаган ҳиссиётларни юзага келтиради.

Барокко назариётчиларидан бири Эммануэль Тезауро «Санъат инсон сезгиларига таъсир қилиш учун безакдор, ёрқин, кутилмаганликларга бой бўлиши керак» [1.65] деб ҳисоблайди. Худди шу фикрни шеъриятга, хусусан, Муҳаммад Юсуф шеъриятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ҳақиқатан, шоир шеърларида кутилмаган ташбеҳ ва ифодалар, кутилмаган хулосалар кўп учрайди. Бундан ташқари, М.Юсуф шеърларида «нарса-ҳодиса ва тушунчалар орасидаги илғаб олиниши қийин бўлган алоқаларга асосланган, уларни кутилмаган тарзда қиёслаш, чоғиштириш орқали юзага келувчи ва шу туфайли юксак даражадаги метафориклик касб этувчи» [1.39] ассоциатив образлар ҳам мавжуд. Бу каби образлар ўқувчидан ижодий фаолликни, нарса-ҳодисалар орасидаги муаллиф таянган алоқалар занжирини илғай билишни талаб қилади, шеърхонни ижодий фаолликка ундайди. Бир ўринда шоир шундай ёзади:

Ватан –
Юрагимнинг олампаноҳи,
Бу дунё
Букри бир
Жийдангнинг шохи!.. [3.167]

Парчадаги «букри жийданинг шохи» ана шундай кутилмаган, шеърхон одатланмаган образ. Шеъриятда «дунё» тушунчасига нисбатан турлича, бир-бирига ўхшамайдиган ва шу билан бирга, анъанавий тарздаги ташбеҳларни учратганмиз. Одатда, ташбеҳларда ўхшаётган ва ўхшатилаётган тушунчалар орасидаги шаклий муносабатга таянилиши анъана тусини олган. Баъзан шоирда кечаётган оний туйғулар билан шеърда тилга олинаётган тушунчалар ўртасидаги боғлиқлик унинг дунёқараши, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ҳиссий баҳоси билан узвийлик касб этади. Абдулла Ориповнинг машҳур «Тилла балиқча»си ўқувчи кўз ўнгида турғунлик йиллари асоратларини гавдалантиргани каби Муҳаммад Юсуф дунёни «букри бир жийданинг шохи»га ўхшатиши шунчаки жийда шохининг букрилиги-ю дунёнинг ҳам қинғирлиги, тескарилиги, кажравлиги ўртасидаги ўхшашликнинг ўзигина эмас, балки бу нарса лирик қаҳрамоннинг болалик хотиралари билан боғлиқ. Яъни, шоир учун хотираларига ўрнашиб қолган болалиги кечган қишлоқ ва шу қишлоқни ёдга солувчи ҳар қандай нарса, жумладан, Ватан тупроғида ўсган букри жийданинг шохи ва мана шу шохда қолиб кетган болаликнинг ўзи – бир ДУНЁ. Ватан мавзусидаги мазкур шеърни мутолаа қилаётган, Ватан деб аталган неъматнинг ажиб оҳангларини ҳис қилаётган ўқувчи кутилмаганда болалигига сайр қила бошлайди, дарахт шохларига тирмашган, «тирсаклари шилинган болалик» кўз ўнгидан ўта бошлайди.

Яна бир ўринда шоир:

Севги бамисоли ғарқ пишган шотут,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар, [3.37]

дейди. Ўқувчида беихтиёр севги ва шотут ўртасидаги шоир назарда тутаётган ўхшашликни топиш иштиёқи пайдо бўлади. Севгининг ўта нозик ва шу билан бирга оҳанрабодек ўзига жалб қилувчи хусусияти билан шотутнинг ширин мазаси, ғарқ пишган вақтдаги «тегманозик»лиги ўртасидаги ўхшашлик бошқа шоирларда учрамайдиган, миллийлик қобиғига ўралган фавқулодда, кутилмаган ташбеҳни юзага келтирган.

Маълумки, «ўқувчи композиция жиҳатидан яхши ташкилланган асардан то сўнгги нуқтага қадар янги-янги мазмун қирраларини кашф этиб боради, ўқиш давомида турфа ҳиссий ҳолатларни қалбдан кечиради» [1.141]. Унга кўра, композиция «бадиий асарнинг ўқилиши, уқилиши ва китобхонга ғоявий-эстетик таъсирини бошқарадиган, асарни чинакам санъат ҳодисасига айлантирадиган энг муҳим унсурлардан бири»дир. Демак, ўқувчи бадиий асарни, хусусан, шеърни ўқиш давомида поғонама-поғона кечинмалар занжирини ҳис қилиб боради, ундан кўпинча анъанавий хулосалар кутади. Шу ўринда, Жамол Камолнинг «Лирик шеърият» китобидаги бир фикрни келтирмоқчимиз: «Лирик композиция қуриш маълум маънода сувсоқ ерда қудуқ кавлашдай бир нарса. Қудуқ кавлашда қатлам-қатлам тупроқ олинаркан, умид манзили тобора яқинлашиб боради. Ниҳоят, ташналик давоси – обиҳаёт тирқираб чиқади. Ўқувчи ҳам ҳар бир шеърни ўзига хос ташналик билан қўлга олиб мисралар ва бандлар «қатлами» оша кўз ташларкан, шеърнинг замиридан маънавий чанқоқлик давоси – обиҳаёт отилиб чиқишини интизорлик билан кутади» [2.77]. Демак, шеър ўқиш жараёнида кутилган завқ, кутилган маънавий озуқа ана шу ташналикни ўқувчи кутган даражада қондиради. Бироқ, бизнингча, шеър сўнгидан кутилажак хулоса, поғонама-поғона яқинлашиб борилаётган якун ўқувчи кутмаган тарзда кечса, ундан олинадиган эстетик завқ бир неча баробар ортади, шунга мувофиқ маънавий чанқоқлик ҳам яхшироқ қондирилади. Муҳаммад Юсуфнинг, асосан, воқеабанд шеърларида ана шундай ҳолат кузатилади. Унинг:

Юзга упа сурмасдан,
Тўлин бўлди Зебижон.
Ўн саккизга кирмасдан,
Келин бўлди Зебижон [3.28]

мисралари билан бошланувчи «Тўй кечаси» шеърида севган ёри турмушга чиқиб кетаётган лирик қаҳрамоннинг тўй кечасидаги кечинмалари берилган. Ўқувчи мисрадан мисрага, банддан бандга ўтар экан, лирик қаҳрамоннинг Зебижон билан кечган бахтли дамлари, унга нисбатан кўнглидаги илиқ муносабат, дилидаги илиқликни тилига чиқара олмаган, дарди ичида қолган ошиқнинг изтироблари билан танишиб боради. Табиийки, бу каби аламзада ошиқлар аксарият ҳолларда тўйни бузишга ҳаракат қилиши ёки маъшуқасининг ва куёв бўлмишнинг шаънига «мақтовлар» ёғдириши мумкин. Ўқувчи шеърдан шунга мос анъанавий хулоса кутади. Бироқ шеър кутилмаганда бошқача якун топади:

Ўлтирибман энди жим,
Кекса онам олдида.
Тўйга мен ҳам борардим,
Ёмғир ёғиб қолди-да!

Сўнгги қўш мисра ошиқ кўнглида кечаётган туйғуларнинг биз «кўриб турган»дай эмаслигини билдириб қўяди. Аслида ошиқнинг тўйга боргиси, бошқа аламзада ошиқлар каби йўл тутгиси бор. Бироқ бунга ғурур йўл қўймайди, тўйга боришдан ор қилади. Кўнглида кечаётган ғалаёнларга ўз кучи билан дадил қарши чиқолмаган, бунга журъат қилолмаётган ошиқ ёмғир ёғиб қолганлиги баҳонаси билан ўзига ўзи таскин беради.

Шоирнинг «Кечикиш» шеъри ҳам ўқувчида шундай ҳиссиётларни ҳосил қилади. Шаҳарда ўқиб юрган, узоқ вақт уйидан олисда бўлган йигит ва унинг бобоси ўртасидаги суҳбат асносида берилаётган кечинмаларнинг «сурати» шу қадар усталик билан чизилганки, бу суҳбатни ўз қулоғингиз билан эшитиб, қаҳрамонларнинг юз-кўзларини кўзингиз билан кўриб тургандай бўласиз. Айниқса, набирасига меҳри жўшиб турган, янгиликларнинг кўплигидан қай бирини аввал айтишни билмай шошиб қолган бобонинг ҳолати жуда жонли тасвирланган. Гап орасида неварасининг «тошмеҳрроқ чиққан»лигидан енгилгина араз қилиб ўтади, кампирининг «йиғлаб қон қилиши»ни айтиш баҳонасида ўзининг ҳам қалбидан кечаётган соғинч ҳиссини сездиради, ниҳоят, маҳалладаги тўйдан гап очиб, Салтанатнинг сочи узун кенжа қизи куёвга узатилгани-ю, келиннинг кўп йиғлаганини ҳамма янгиликлар қатори оддий воқеа сифатида ҳикоя қилиб берган ва бунга «бари келин йиғлайди» қабилида соддагина муносабат билдириб қўя қолган бобо энди:

Бу гапларни қўя турай, кел,
Бўталоғим, ўзингдан гапир, [3.101]

дея набирасидан жавоб кутмоқда. Мазкур мисраларни ўқир экансиз, ундаги бобо ва набира орасидаги илиқ муносабатни, соғинч ҳиссини, ўзгача меҳр-оқибатни ҳис қилгандай бўласиз. Табиийки, набирадан ҳам бобоси каби интиқликни, меҳрга ташналик билан айтилажак сўзларни, бутун кўрган-кечирганларини бобоси каби шошиб-шошиб айтиб беришини, бобосининг бағрига ўзини отишини кутамиз. Бироқ, натижа биз кутгандай бўлмайди.

...Меҳр тўла нигоҳи билан,
Бобом мендан жим кутар жавоб.
Билса экан, тушунса экан,
Невараси не кўйда шу тоб!
Билмайди, эҳ, бобом билмайди,
Мен, мен, ахир севардим уни!
Салтанатнинг оти нимайди,
Ўша сочи узун қизини...

Мабодо шеър биз кутгандай якун топган тақдирда ҳам, ундан бир олам завқ олишимиз мумкин. Оила деб аталган муқаддас тушунча билан боғлиқ қадриятлар, оила аъзолари ўртасидаги ўзгача илиқ муносабатлар, ота ва фарзанд муносабатларидаги нозик туйғуларнинг ўзи ўқувчида ўзгача ҳиссиётларни уйғотади. Лекин шеърнинг юқоридаги каби биз кутмаган тарзда якунланиши мана шу завқни, илиқ ҳиссиётларни бир неча баробар оширади. Кутилмаганда муҳаббатидан жудо бўлган ошиқ йигитнинг руҳий ҳолати, тилидан эмас, дилидан чиқаётган кечинмалар, нима қилишини, нима дейишини билмай турган набиранинг кайфияти беихтиёр ўқувчига ҳам кўчади. Шеърдаги воқеалар тизими, кечинмалар силсиласининг бу тарзда жойлашуви ҳам шоирнинг юксак бадиий маҳоратидан дарак беради.

Муҳаммад Юсуфнинг «Кристина», «Сурат», «Бир куни...», «Муддао», «Сир», «Азизимсан, бахтиёримсан...» каби ўнлаб шеърлари мана шундай кутилмаган ташбеҳларга, кутилмаган ифодаларга, кутилмаган хулосаларга бой, ўқувчи ўзи кутганидан кўра кўпроқ эстетик завқ, маънавий озуқа оладиган санъат асарларидир.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Т., Akademnashr, 2010.
2. Жамол Камол. Лирик шеърият. – Т.: Фан, 1986.
3. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2002.
4. Муҳаммад Юсуф. Илтижо. – Т.: Ёш гвардия, 1989.

Андижон давлат университети,
2014 йил 29 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)